


**5. Фермер хўжаликларининг иссиқ хоналарида  
(усту ёпилган химояланган ерларда) бажариладиган  
ишлар хавфсизлиги.**

**Фермер – иш берувчилар ва фермер –  
оталар ва оналар**

**ЁДДА САҚЛАНГ!**

**Ёши ўн саккизга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан  
иссиқхона ичида фойдаланиш тақиқланади!**

Фермер хўжаликлари  
худудида иссиқхоналарни  
режалаштириш ва қуриш  
тегишли меъёрий хужжатлар  
талабларига мувофиқ амалга  
оширилиши лозим.



Иссиқхоналарнинг  
иссиқлик таъминоти учун ясама электр ва газ ускуналарини қўллаш  
**ТАҚИҚЛАНАДИ** (ёнгин чиқиши эҳтимоли мавжуд).


Иссиқхоналарда электр ва газ қурилмаларини қўллаш билан  
боғлиқ ишларни ишлаб чиқарувчи- завод томонидан белгиланган  
техник фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этган  
ҳолда амалга ошириш зарур.

Иссиқхоналар тупроғида сунъий органик-  
минерал аралашмалар қўлланилади.

Бундай аралашма таркибига: гўнг, чиринди,  
торф, чим босиб кетган ер ва полиз ери киради.

Тупрок аралашмаларини тайёрлашда қуйидаги  
эҳтиёт чораларига амал қилиш, яъни:

- факат соз ҳолатдаги (айри, белқурак, кетмон,  
хаскаш ва б.) асбоб-ускуналардан фойдаланиш;



- аралашмаларни ташиш учун имкон қадар икки ғилдиракли аравалардан фойдаланиш (ҳаракатланишда аралашма ағдарилиши эҳтимолини олдини олиш мақсадида);

- аралашмаларни албатта резина этикда ва химоя кўлқопида тайёрлаш зарур.



### **ЁДДА ТУТИНГ:**

Ўғитлар ва инсектофунгицид аралашмалари махсус майдончаларда тайёрланади.

Бу майдончадан эритмаларни кўчма насос станция орқали узатиш лозим.

Иссиқхонадаги тупроқ гумусга бой ва бундай жойда ҳаво намлиги юқори бўлиши



ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларни кўзғатувчи организмлар фаол ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Санитария нуқтаи назаридан ҳар бир иссиқхонада ўзининг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари бўлиши шарт.

Пойабзални дезинфекциялаш учун иссиқхонага кириш жойига карбатион эритмасига (1л.га 5г) намланган бўйра солинган тахта лотокларни қўйиш керак. Асбоб-ускуналар ва ўтиш жойлари ҳам худди шу эритма билан дезинфекция қилинади.

### **ЁДДА ТУТИНГ:**

Ўсимликлар экилган иссиқхоналарга бегона шахсларни киритиш мумкин эмас.

Бегона шахслар ўз кийимида ёки иш асбобларида зараркунандалар ва касаллик кўзғатувчи организмларни олиб кириши мумкин.

Ўсимликларни парвариш қилиш вақтида иссиқхона ва парниклардан чиқарилган барча касалланган барглار



ва пояларнинг дастлаб устидан **10% охак эритмасини куйиб сўнг ёкиб юбориш ёки ерга кўмиб ташлаш зарур.**

Ўсимликларни ўташ ишларини ер юмшатгичлар, ўток пичоқларисиз бажариш тақиқланади (*қўл шикастланиши эҳтимоли мавжуд*).

Кўли кесилган ёки тирналган ишчилар кўли билан ўғит солиш ва ерга ишлов бериш билан боғлиқ ишларни бажаришлари тақиқланади (*ишчининг қони зарарланиши эҳтимоли мавжуд*).

Шпалерлар шакллантириш учун, ўсимликларнинг тепа қисмидаги ҳосилни йиғишда махсус нарвонлардан фойдаланиш лозим.

Теплицаларда ўсимликлар кимёвий ҳимоя воситаларини **катта эҳтиёткорлик билан** қўллаш ва ўз вақтида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш зарур.

Иссикхона ва теплицаларда пестицидлар билан боғлиқ ишлаш қоидаларини яхши биладиган ва хавфсизлик чоралари бўйича махсус тайёргарликдан ўтказилган агрономларнинг бевосита раҳбарлигида бажарилади.



**Пестицидлар билан боғлиқ ишларни фақат бутунлай соғлом, тиббий кўрикдан ўтган, пестицидлар хусусиятларини яхши биладиган ва уларни тўғри ишлатиш қоидаларидан хабардор бўлган шахсларгагина бажаришга рухсат этилади.**

## **Фермер – иш берувчилар ва фермер – оталар ва оналар!**



### **ЁДДА ТУТИНГ:**

Пестицидлар тери, бурун ва оғиз орқали организмга тушади. Уларнинг соғлиққа кўрсатадиган таъсири узок вақт ўтиб ҳам намоён бўлиши мумкин.

#### **Пестицидларнинг таъсири белгиларига:**

Сурункали дерматит, чарчаш, бош оғриши, уйку бузилиши, бехотиржамлик, хотиранинг сусайиши, кон касалликлари, жигар ва буйрак фаолияти бузилиши, ёкимсиз репродуктив окибатлар киради.

Пестицидларнинг ишчи эритмаларини уй-жой биноларидан, молхона ховлиларидан, очик сув хавзаларидан узокда, махсус майдончаларда тайёрлаш лозим.

Бу майдончалар атрофи ўралган, асфалт ёки цемент копланмалар билан копланган бўлиши керак.

Пестицидлар билан шахсий химоя воситаларисиз ишлаш қатъиян тақиқланади (*пестицидлар ишчиларнинг териси ва нафас олиш аъзолари орқали организмга тушиши ва бу заҳарланишга олиб келиши мумкин*).

### **ЁДДА ТУТИНГ:**

Иссикхоналарга АГ-УД-2 аэро-зол генератори билан аэрозолли ишлов берилишида (*ишчилар жароҳатланишини олдини олиш мақсадида*)

- аэрозол генератори ишга тушириляётган вақтда унинг сопло кисми ёнида бўлиш;

- генератор ишлаётган вақтда ёниш камераси қобиғига қўл теккизиш;

- генератор ва ишчи суюклик юкланган идишлар жойлаш-тирилган

автомашина ёки трактор араваси кузовида чекиш

### **ТАҚИҚЛАНАДИ**



**Ўсимликларга пестицидлар билан ишлов берилгандан сўнг ишчилар иссиқхонага кириши ва ҳосил териши мумкин бўлиши учун ўтиши керак бўлган вақтга қатъий риоя қилиш зарур (қўлланаётган захарли дорилар йўриқномаси бўйича).**

### **Ё Д Д А Т У Т И Н Г :**

Атроф муҳит ҳарорати кўтарилиши билан пестицидларнинг захарлилик даражаси 1,5-2 баробар ошади.

Ҳосил йиғишда соз ҳолатдаги идишлардан фойдаланиш лозим.

